

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ ДК ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ МЕХРОЖ НУРИЛЛАЕВИЧ**

**ҚОРАТЕПА-ЧОҚИЛКАЛОН ТОҒ-КОНЧИЛИК РАЙОНИДАГИ  
АПОМЕТАТЕРРИГЕН ВА АПОГРАНИТ ВОЛЬФРАМ  
МАЪДАНЛАШУВИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва  
разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Жўраев Мехрож Нуриллаевич**

Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик районидаги апометатерриген ва апогранит вольфрам маъданлашувининг вужудга келиш шарт-шароитлари.....3

**Жураев Мехрож Нуриллаевич**

Условия локализации апометатерригенного и апогранитоидного вольфрамового оруденения Каратюбе-Чакылкалянского горно-рудного района.....23

**Juraev Mekhroj Nurillaevich**

Conditions for the localization of apometaterrigenous and apogranitoid tungsten mineralization of the Karatyube-Chakilkalyan mining and ore region.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....47

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ ДК ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ МЕХРОЖ НУРИЛЛАЕВИЧ**

**ҚОРАТЕПА-ЧОҚИЛКАЛОН ТОҒ-КОНЧИЛИК РАЙОНИДАГИ  
АПОМЕТАТЕРРИГЕН ВА АПОГРАНИТ ВОЛЬФРАМ  
МАЪДАНЛАШУВИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва  
разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/GM43 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Акбаров Хабибулла Асатович**  
геология-минералогия фанлари доктори, профессор,  
академик

**Расмий оппонентлар:**

**Турапов Мирали Камалович**  
геология-минералогия фанлари доктори, профессор  
**Шукуров Носир Эгамович**  
геология-минералогия фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти ДК ҳузуридаги илмий даражалар берувчи № DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «3» 11 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент, Т.Шевченко кўчаси, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz)).

Диссертация билан Минерал ресурслар институти ДКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақам билан руйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент ш, Т.Шевченко кўч. 11а. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2020 йил «22» 10 да тарқатилди.  
(2020 йил «22» 10 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



**М.У. Исоқов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**А.А. Рустамов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

**М.М. Пирназаров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида вольфрам ўзига хос хусусиятларига кўра саноатда эҳтиёж юқори бўлган асосий камёб металллардан бири эканлиги сабабли геология қидирув ишларида унинг намоёнлари ва конларини қидириб топиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада инновацион технологиялар ва фойдали қазилмаларни қидиришнинг замонавий усуллари орқали вольфрамнинг ҳосил бўлиш шароитлари ва жойлашиш қонуниятларини аниқлаш муҳим ўрин тутади. Ушбу ишлар ўз навбатида саноат эҳтиёжини қоплаши мумкин бўлган янги вольфрам конларининг топилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида фойдали қазилмаларнинг комплекс конларини, турли камёб металл маъдан-формацион турларини аниқлашга йўналтирилган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, ҳосил бўлишига кўра носкармли бўлган, таркибида саноатбоп вольфрам маъданларини ўзида қамраган, олистостромли қалин қатламлар матриксининг алюмосиликатли ҳамда коллизион интрузив комплексли гранитоид жинсларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий ва юқори аниқликка эга таҳлилий усуллардан фойдаланиб олиб борилган минералогик-геокимёвий тадқиқотлар мазкур жинслардаги асосий ва бирга учровчи маъданлашув истиқболини илмий асослашга имконият яратади.

Мамлакатимизда минерал-хомашё базасини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўпсонли (Қўйтош, Лангар, Ингичка, Яхтон, Қоратепа, Саутбой ва б.) скарн-шеелитли формацияга мансуб саноатбоп вольфрам конлари аниқланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шу муносабат билан, Республиканинг вольфрам маъданли регионларида, уларни металлогеник баҳолаш бўйича илмий асосланган замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, вольфрам маъданлари захирасини кенгайтириш мақсадида носкармли вольфрам маъданлашувини излаш мезонлари мажмуасини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини кенгайтириш ва қайта тиклаш Давлат дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги Фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал-хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Металлогения йўналиши Ўзбекистонда, шу жумладан Қоратеп-Чоқикалон тоғларида вольфрамнинг йирик конларининг очилиши дунёга машҳур ўзбек геологлари - Х.М.Абдуллаев, И.Х.Хамрабаев ва уларнинг издошлари номлари билан боғлиқдир. Вольфрам маъданлари республикамиз ва дунёнинг етакчи илмий марказлари олимлари томонидан ўрганилган, жумладан: И.М.Евфименко, А.С.Кайзер, М.Г.Казаков, Ш.А.Айзенштат, Л.С.Свидская, Е.Б.Тихомиров, А.М.Енгаличев, А.В.Пуркин, С.Н.Попенко, А.А.Конъюк, О.А.Кайзер, Н.А.Смолянинов, А.В.Королев, С.Н.Клунников, Н.П.Ермаков, В.А.Зильберминц, В.И.Бирюков, Б.М.Мамонтов, Н.Д.Зленко, Н.А.Лосев, Н.В.Нечелюстов, Н.Д.Ушаков, М.Д.Троянов, Т.М.Мацокина, И.М.Голованов, М.С.Кучукова, В.Д.Отрощенко, В.Н.Ушаков, Г.М.Подшивалов, П.Ф.Егоров, Н.К.Джамалетдинов, М.И.Исмаилов, Р.В.Цой, Ю.А.Чернявский, Б.Б.Шааков, Н.Л.Осипова, С.А.Ахмедов, В.Л.Шадрин, М.М.Пирназаров, В.Д.Цой, О.Т.Розиков, О.Г.Терлецкий, А.Р.Захидов, Э.И.Кутарев, В.Ф.Проценко, М.П.Гузанов, И.П.Заревич, Т.Х.Арифджанов, А.И.Даутов, Е.Г.Фёдоров, Т.П.Пирназаров, Т.Н.Тураев, Б.Гаппаров, С.Р.Хамдамов, А.М.Шодиев ва бошқалар томонидан ҳозирги вақтгача скарн шеелитли маъдан формациялар билан боғлиқ муаммоларнинг турли аспекти муфассал ўрганилди.

Эришилган илмий натижаларга қарамасдан, бугунги кунга қадар Қоратеп-Чоқикалон тоғ-кончилик районида янги носкарн турли апометатерриген ва апогранитоид вольфрам маъданлашуви шаклланишининг литологик-сруктуравий шароитлари, маъданлашувнинг магматик ҳосилалар билан алоқаси, маъдан ҳосил қилувчи манбалар, маъдан қамровчи жинслар ва уларнинг маъдан атрофидаги ўзгаришлари билан боғлиқ масалаларига жуда кам аҳамият берилган, носкарнли вольфрам маъданлашувини излаш мезонлари ва белгиларини ишлаб чиқиш бўйича махсус йўналтирилган тадқиқотлар мунтазам равишда ўтказилмаган ёки айрим ҳудудларда эътибор доирасидан четда қолиб кетган. Бу эса ўз навбатида маъданли минтақаларда башоратлаш самарадорлигини кескин камайтиради ва саноатда аҳамиятли объектларни аниқлаш мумкин бўлган потенциал истиқболли майдонлардаги вольфрам ресурсларини оширишга қаратилган ишларни бажариш имконини бермайди. Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиқиб, геологик, минера-

логик-петрографик, геохимёвий ва юқори аниқликка эга кимёвий-тахлилий усуллар мажмуасини қўллаш мазкур масалаларни ечишга имкон беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва «Хисоргеология» ДУКнинг илмий – тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қоратепа маъданли майдонидаги Жом участкасида вольфрам ва бошқа фойдали қазилмаларни қидириш» (2007-2011), «Қоратепа маъданли майдони Анжирли участкасида вольфрам ва бошқа фойдали қазилмаларни қидириш ва Сарикўл участкасида вольфрам маъданларини дастлабки баҳолаш» (2012-2015), «Яхтон конининг қуйи чуқур горизонтларида вольфрам ва бошқа фойдали қазилмаларни қидириш» (2015-2018), ПЗ-20170925309 - «Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик районидаги апометатерриген ва апогранит турига мансуб вольфрам маъданлашуви жойлашишининг геодинамик вазиятлари, литологик-структуравий шароитлари, моддий таркиби ва ёпиқ маъданлашувни баҳолаш мезонлари» (2018-2020) каби амалий лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** – Қоратепа-Чоқилкалон кон-маъданли районидаги носкарнли апометатерриген ва апогранит вольфрам маъданлашувининг турларга ажратилишини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик райони вольфрам маъданлашувининг янги (носкарнли) тури бўйича материалларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

апометатерриген ва апогранитоидли вольфрам маъданлашуви шаклланиши шароитлари ва қонуниятларини ўрганиш;

Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик районидаги носкарнли вольфрам маъданлашувли объектларини типлаштириш;

башоратлаш-излаш комплексларини ишлаб чиқиш ва тавсиялар бериш; носкарнли вольфрам маъданлашув (апометатерриген ва апогранитоидли турлари) учун Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик районининг истиқболини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қоратепа маъданли майдонидаги Сарикўл конининг минераллашган зоналари (апометатерриген тур) ва Чоқилкалон маъданли майдонидаги Яхтон кони қуйи ярусининг минераллашган зоналари (апогранит тур) танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** – носкарнли (апометатерриген ва апогранитоидли турлари) вольфрам маъданлашувининг ривожланиш шароитларидаги асосий омиллари ва шаклланиш қонуниятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни бажаришда турли замонавий усуллардан фойдаланилди, жумладан: мажмуавий дала кузатувлари (геологик излаш маршрутлари, геологик ҳужжатлаштириш, намуналар олиш, литологик, минералогик ва структуравий кесмалар тузиш ва б.); маъдан қамровчи жинсларда, маъдан атрофи метасоматитларида ва маъданларда минералогик, петрографик, петрологик тадқиқотлар; маъданлашув геологик-

структуравий жойлашиш шароитларининг замонавий юқори аниқликдаги аналитик тадқиқот усуллари (Масс-спектрометр, ICPMS, Jeol, ДРОН-3 ва б.).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор носкарнли вольфрам маъданлашуви (апометатерриген ва апогранитоидли турлари) учун маъданли модданинг потенциал манбага эга бўлганлиги ва маъданлашувнинг аниқ магматик комплекслар билан алоқаси аниқланган;

апометатерригенли маъданлашуви учун олистостромли қалин қатлам ҳосил бўлишини белгиловчи юқори гранулометрик дисперсияга эга, маъдан қамровчи муҳитнинг юқори ғоваклигини таъминловчи регионал урунмали (трогосимон) структураси билан алоқаси аниқланган;

апогранитоидли маъданлашув учун магматик комплексларнинг гранитоидлар-лампрофирлар-ишқорли базальтоидлар қаторининг узлуксиз минералогик – акцессорли ва геохимёвий ихтисослашуви аниқланган;

носкарнли вольфрам маъданлашувини баҳолашнинг (апометатерриген ва апогранитоидли турлари) геологик-структуравий, магматик ва минералогик - геохимёвий излаш-башоратлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

Қоратепа-Чоқилкалон кон-маъданли райони учун носкарнли вольфрам маъданлашувининг (апометатерриген ва апогранитоидли турлари) истиқболлари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Қоратепа секторининг ғарбий қисмида апометатерриген вольфрам маъданлашувининг излаш белгилари орқали таркибида маъданли минераллашув бўлган, поликомпонент метасоматитлар билан тўйинган, 14 × 0,5 км. узунликдаги, типоморф элементлар комплексининг геохимёвий аномалияли зонасида, Сарикўл маъданли структурасини ажратиш имконини берган. Белгиланган зонада маъданли таналар бўйича вольфрам уч оксидининг соноатбоп захиралари ҳисобланган.

Апогранитли вольфрам маъданлашувининг излаш белгиларидан фойдаланиш асосида, Яхтон кони чуқур горизонтларининг яхтон комплекси гранитоидларида ривожланган маъданли минераллашув зонаси ажратилган, маъдан таналарида саноат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, вольфрам уч оксидининг башоратланган ресурслари ҳисобланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлар натижалари Ўздавстандарт текшируви ва аттестациядан ўтган лабораторияларидан олинган таҳлилий маълумотларга асосланган. Вольфрам ва бирга учровчи элементлар бўйича таҳлилий натижалар тадқиқотларнинг бир нечта усуллари билан таққосланган («нам» кимё усули, Япониянинг ICP-MS 7500 Series Agilent Technologist масс-спектрометрида бажарилган ярим микдорий ва микдорий спектрал таҳлиллар). Натижаларнинг ўхшашлиги қониқарли. Апометатерриген ва апогранитоид туридаги вольфрам маъданлашувининг вужудга келиш қонуниятлари мантиқан асосланган ва замонавий илмий йўналишларда фойдаланиладиган фундаментал ва назарий ишланмаларга таянганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маъданли моддаларнинг манбалари, уларнинг маълум магматик комплекслар билан алоқаси, маъданлашув билан алоқадор метасоматоз хусусиятлари ва уларнинг маъданлашув жараёнига ўзаро таъсирини аниқлаш, маълум объектларда геологик қидириш ишларини ўтказишда, шунингдек, янги турдаги носкармли вольфрам маъданлашувини излаш мезон ва белгиларини ишлаб чиқишда эталон сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қоратепа маъданли майдонининг марказий қисмидаги, Сарикўл гранитоидли интрузивининг яқин экзоконтакти зонасида, апометатерриген туридаги саноатбоп вольфрам маъданлашувини аниқлашга ҳамда Чоқилкалон мегаблокининг марказий қисмидаги Камангарон ва Ходжадик истикболли майдонларида саноат аҳамиятига эга бўлган апогранитли вольфрам маъданлашувини аниқлашга қаратилган геологик қидириш ва баҳолаш ишларини қўйишга тавсия қилинишида намоён бўлади. Шунингдек, ишлаб чиқилган мезонлар ва минералогик-геокимёвий тадқиқот натижалари, носкармли бўлган вольфрам фойдали қазилмалари учун муайян майдонларини ажратиш ва уларни саноатда ўзлаштириш схемаларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик районидаги апометатерриген ва апогранит вольфрам маъданлашувининг вужудга келиш шарт-шароитлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик районидаги носкармли вольфрам маъданлашувли апометатерриген ва апогранит турлари бўйича қидириш-башоратлаш комплекслари «Хисоргеология» ДУКси Қашқадарё ГҚЭ гуруҳлари қидирув ишларида жорий этилган. (Давлат геология кўмитасининг 2020 йил 19 майдаги 02/03-сон маълумотномаси) Натижада, Чоқилкалон мегаблоки учун коллизиян гранитоидлар тасмасида ривожланган апогранитоид вольфрам маъданлашувини аниқлаш, истикболли локал участкаларни башорат қилиш ва Қоратепа мегаблоки учун олиостром қатламларда жойлашган, апометатерриген вольфрам маъданларини тутиб турувчи, минераллашган зоналарни аниқлаш, майдонларни башорат қилиш имконини берган;

Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик райони Қоратепа мегаблокидаги апометатерриген туридаги вольфрам маъданлашуви учун ишлаб чиқилган қидириш-башорат қилиш комплекси «Хисоргеология» ДУК Қоратепа сектори гуруҳлари қидирув ишларида жорий этилган. (Давлат геология кўмитасининг 2020 йил 19 майдаги 02/03-сон маълумотномаси). Натижада, Қоратепа маъданли майдони марказий қисмидаги Сарикўл интрузив гранитоидлари шимолий экзоконтакти зонаси ва шеелит-сульфидли минерал таркибли, поликомпонентли метасоматитлар билан тўйинган, 14 км × 0,5 км узунликдаги Сарикўл маъданли структурасининг маълум майдонларида қидириш ва баҳолаш ишларини қўйиш имконини берган;

Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик райони Чоқилкалон мегаблокидаги апогранит туридаги вольфрам маъданлашуви учун ишлаб чиқилган қидириш-

башорат қилиш комплекси «Хисоргеология» ДУК Чоқилкалон сектори гуруҳлари қидирув ишларида жорий этилган. (Давлат геология кўмитасининг 2020 йил 19 майдаги 02/03-сон маълумотномаси). Натижада, яхтон комплекси гранитоидларида шаклланган, Яхтон кони чуқур горизонтларидаги минераллашган зоналарда ҳамда Чоқилкалон мегаблоки марказий қисмидаги Камангарон ав Ходжадик майдонлари гранитоидларидаги вольфрам маъданларининг саноатбоплигини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 132 бетни ташкил қилиб, 30 та расм, 12 та жадвал ва 9 та иловани ўз ичига олади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асослаб берилган, мақсад ва вазифалари келтирилган, тадқиқотнинг объектлари ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти ҳамда уларнинг амалиётга жорий қилиниши баён қилинган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вольфрам маъданлашувининг геологик ўрганилиш босқичлари**» деб номланган биринчи бобида, Жанубий Тянь-Шаннинг бир қисми бўлган Зарафшон тизмаси, Қоратепа ва Чоқилкалон тоғларини ўз ичига олган Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик районининг ўрганилганлиги ва геологик тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистонда вольфрам минерал хомашё базасининг ривожланиш тарихи ўз ичига учта босқични олади. **I босқич** (1935-1960 йй.) – минерал хомашё базасининг ташкил топиши: вольфрам маъданли конларнинг очилиши, разведкаси ва ўзлаштирилиши – Лангар, Қўйтош, Ингичка (Н.Д.Ушаков, Н.В.Нечелюстов, М.Д.Троянов ва б.), майда намоёнлардан артел (изловчи) усулида фойдаланиш – Қоратепа, Сазаган, Барқроқ ва б. Бу даврга биринчи металлогеник умумлаштириш ҳам қиради (Х.М.Абдуллаев, А.В.Королев, И.Х.Хамрабаев ва б.)

**II босқич** (1960-1975 йй.) вольфрам маъданлари захираларининг ўсиши камайиши, бу конъюнктура сабаблари ҳамда ер юзасида саноатбоп маъданлашувнинг анъанавий морфогенетик турлари тугаши билан тавсифланади. Бир

қатор ишлар якунида (Т.М.Мацокина, М.С.Кучукова, В.Д.Отрощенко, В.Н.Ушаков, И.Х.Хамрабаев, Н.К.Джамалетдинов, М.И.Исмаилов ва б.) скармли вольфрам маъданлашувининг жойлашиш қонуниятлари (апогранитоидларнинг кенг ривожланиши) умумлаштирилган.

**III босқичда** (охирги 35-40 йил) излашнинг стратегик йўналиши ўзгарди (якши очилмаган ва берк маъданлар учун янги районлар, шу жумладан янги морфогенетик турлар), бунда асосий эътибор йирик масштабли башорат қилиш тадқиқотларига (Р.В.Цой, Ю.А.Чернявский, В.Н.Ушаков, Б.Б.Шааков, В.Л.Шадрин ва б.), Қизилқум регионида разведка қилинган ва янги конларнинг очилишига (Саритау, Саутбой) ҳамда илгари маълум объектлар четларидаги захираларнинг ўсишига (Ингичка, Яхтон) қаратилди.

Магматизмнинг ўрганилишига муҳим ҳиссани Х.М.Абдуллаев, И.Х.Хамрабаев, А.А.Кустарникова, И.М.Исамухамедов, Т.Н.Далимов, Ф.К.Диваев, Х.Д.Ишбаев, З.А.Юдалевич кўшдилар, минералогик тадқиқотларни С.К.Смирнова, А.Х.Туресебеков, О.Бабаджанов, В.Д.Цой, И.В.Королева ва б. ўтказдилар, Х.М.Абдуллаев асос солган петрометаллогеник йўналиш бўйича тадқиқотларни Т.М.Воронич, А.А.Малахова, П.В.Панкратьева, В.В. Баранова, В.В.Козырева, Ю.Михайлов, Б.А.Исаходжаевлар давом эттирдилар, геологик-структуравий тадқиқотларни Х.А.Акбаров, М.Умарходжаев, А.Д.Швецов, В.Г.Харин ва б. ўтказдилар, айрим конларнинг тектонофизик шаклланиш аспектларини М.К.Турапов ўрганди, геодинамика асосидаги металлогеник тадқиқотлар билан Ф.А.Усманов, С.Ю.Савчук, И.М.Голованов ва б. шуғулландилар, ҳозирги вақтда бу ишларни Р.Х.Миркамалов, В.В.Чирикинлар давом эттирмоқдалар. Конларнинг разведкаси ва захираларини хужжатлаштиришни Н.Д.Ушаков, А.К.Собакин, С.А.Денисов, М.Д.Троянов, Р.В.Цой, В.Н.Пузиков, Г.М.Залетова, Ю.А.Чернявский, М.И.Гузанов, В.П.Шадрин, П.А.Ястребов ва б. амалга оширдилар. ГҚ ишлари услубини регионда кўп йиллар давомида В.Я.Зималина, М.У.Исоқов, И.О.Хамроев, Т.П.Пирназаров, Т.Н.Тураев, В.Е.Раскин, Б.Гаппаров, Ф.Муродов, С.Исканов, С.Р.Хамдамов ва б. амалга ошириб келмоқда. Геологик-иктисодий тадқиқотлар Г.С.Тиллаева, Л.М.Глейзер, Ш.П.Алимовлар томонидан амалга оширилди ва регионда башоратли ресурслар Давлат балансини тайёрлашга асос бўлди.


Диссертациянинг иккинчи **«Қоратепа-Чоқилкалон тоғ-кончилик районидаги носкармли вольфрам маъданлашувининг шаклланиш қонуниятлари ва жойлашиши шароитлари»** бобида қуйидаги бўлимлар бўйича маълумотлар келтирилган: Диссертациянинг **«Апометатерриген маъданлашувининг шаклланиш шароитлари»** бўлимида Сарикўл интрузив гранитоидларининг маълум генерация ҳосил қилувчи хоссалари ҳақида маълумотлар келтирилган ва минераллашган зоналарининг маконда жойлашишига уринмали (троговий) структуранинг таъсири кўриб чиқилган.

Қоратепа тоғлари магматитлари гранитоидлар серияси жинсларининг кетма-кет дифференцияланган қаторидан иборат бўлиб, уларда вольфрам миқдорининг илк фазалардан кечки фазаларга қараб кўпайиши тренди аниқланган.

Сарикўл ва унга чегарадош Қоратепа интрузиви учун магматизм намоён бўлиши 4 та фазага дифференциалланган бўлиб, улар – диоритли, гранодиоритли, гранитли ва аляскитли сериялардир. Диорит формация жинслари порфирсимон биотитли гранодиоритларнинг ўпирилиш зоналарида ёки уларнинг томирли фацияларида аниқланади. Гранитоидли сериялар жинслари кўпчилик массивларнинг чекка қисмларини эгаллайди. Гранитли серия жинслари ҳам Қоратепа ва Сарикўл интрузивларининг жуда катта қисмини эгаллайди. Аляскит ва лейкократли гранит формациялар массивнинг чекка қисмларида намоён бўлган.

Сарикўл интрузиви ўрта ва донадор кучсиз порфирсимон икки слюдали гранитлардан иборат бўлиб, Қоратепа-Зирабулоқ адамеллит-гранитли мажмуанинг кечки тошқўмир-илк пермь кетменчи субмажмусига ( $\gamma C_3-P_1k$ ) мансуб.

Шундай қилиб экзоконтакт зонасида апометатерриген вольфрам маъданлашуви ривожланган Сарикўл интрузиви район магматик фаолиятининг кечки фаза икки слюдали ва лейкократли гранит жинсларидан ташкил топган (1-расм).



1-расм. Сарикўл кони 19-19 чизиклари бўйича геологик қирқим. 1-жипслашган тўртламчи давр. Супеслар; 2-тошқўмир даври, ўрта-юқори бўлими, марғузур свитаси. Турли ёшдаги карбонатли ва кремнийли олистоплақлар ва олистолитлар сланец жинслари билан; 3-кетменчи субкомплекси. Кучсиз порфирсимон иккислюдали гранитлар; 4-кварцнинг томир ва томирчалари; 5-вольфрам маъдан таналари; 6-мармарлашган жинсларда скарнлашган зоналар; 7-дарзликлар: а) кузатилган, б) кутилаётган; 8-брекчияланиш зонаси; 9-ўтилган бурғилаш кудуқлари ва уларнинг рақамлари.

Репродуктив комплекс шаклланишидаги якуний фазалари жинсларининг умумий хусусиятлари уларда аксессуар шеелит ва флюоритнинг тўпланишидир. Геохимёвий хусусиятларига сийрак ишқорли учувчи (F, V) ва ноёбметалли (W, Sn) элементлар миқдорларининг юқорилигини киритиш мумкин. Вольфрам учун якуний фазанинг комплекс геохимёвий ихтисослашуви ёрқин намоён бўлган. Унинг миқдори икки слюдали ва лейкократли гранитларда 50-125 кларк концентрацияни ташкил қилади.

Минералларнинг вольфрамлилигини таққослашда аниқланишича вольфрамнинг асосий минерал концентрациялари плагиоклаз ва биотитдир.

Ишқорида натрийси кўп ва таркибида аксессуарли шеелит бўлган, ўрганилган гранитодлар албитлашиш ҳамда мусковитлашишга учрайди ва

натижада дала шпати кристалл панжарасидан ажралиб чиқиб, вольфрам ва натрий ишқорли эритмага ўтади, эҳтимол  $\text{Na}_2\text{WO}_4$  бирикмасини ҳосил қилади.

Ўрганилган майдонда Марказий Хисор уринмали I (?) тартибли структурасининг Ганда-Қизилтуруқ-Шахсай зонасидаги Сарикўл фрагментига тегишли Қоратепа мегаблокиннинг ғарбий қисмида апометатерриген вольфрамли маъданлашув ривожланган. Марказий Хисор уринмали структураси Субкенглик йўналишли кенглиги 15 дан 40 км.гача бўлган четки узилмалар билан чегараланган Хисор ва Ягноб кордильер кўтарилмаси орасида жойлашган.

Район геологик тузилишининг ўзига хослиги, минераллашган зоналарнинг олистостромли комплекс жинсларидан иборат, уринма структурали фрагментига боғлиқлигидир.

Ўрганилаётган майдонда бирламчи маъдан қамровчи жинсларнинг хусусиятлари, уларнинг дағал флиш шаклланиш шароитлари билан боғлиқ равишда тавсифланишидир. Булар олистостромли комплекс фацияси, чўкинди тўпланиш ҳавзасида бузилиш-силжиш жараёнлари жадал намоён бўлган шароитда шаклланади, у, нелитификацияланган чўкинди жадал аралашшига ва пелитли, алевритли ҳамда псаммитли заррачалар аралашмасида карбонатли моддалар нотекис тарқалган жинсларнинг шаклланишига олиб келади.

Апометатерриген вольфрам маъданлашуви дағал флиш жинслари бўйича шаклланган, у гранитоидли интрузивнинг контакт зонасида сланецли жинсларга ўзгариб, геокимёвий жиҳатдан вольфрамга ихтисослашган ва улар бўйлаб маъданли метасоматитлар ҳосил бўлган.

Регионал-контактли динамометаморфизм жараёнлари натижасида бирламчи чўкинди жинслар слюдали ва амфиболли сланецларга айланади.

Шундай қилиб, апометатерриген вольфрам маъданлашуви учун қамровчи муҳит бўлиб, метамофик жараёнлар таъсирида ўзгарган олистостромли қатламнинг кумтош-аргиллитли комплекси матрикси чўкиндилари хизмат қилади, улар маъдан қамровчи муҳитнинг бирламчи ғоваклигини таъминловчи юқори гранулометрик дисперсияси билан тавсифланади ва маъданли метасоматитлар шаклланиши учун мос субстрат вазифасини ўтайди.

Маъдандан олдинги субстрат (кларк муносабатида) Na, Mg, P, Ca нинг юқори миқдорлари ва Al, K, Fe нинг кўрсаткичлари билан тавсифланади.

Асосий рудоген элементларнинг танланган шартли фон жинсларида тарқалиши қуйидигича (г/т): W - 1,99; Au - 0,047; Pb - 20,56; Bi- 0,77; Mo- 8,74; Ag- 0,43; Sn - 12,44; Sb - 1,68; As- 19,6; Cu- 54,12; Zn - 122,4; Li - 109,6; Be - 5,05; Se - 5,63; Te - 0,15; Ba - 807; Zr - 94,3; Nb - 10,22; Cd - 0,33; V - 164,6; Cr - 75,58; Mn - 716; Co - 17,22; Ni - 47,78; U - 5,63; B - 36,7; Ti - 3854.

Шундай қилиб маъдан таналари контуридан ташқаридаги метаморфик сланецларда кимёвий элементлар учта гуруҳга бўлинади: субкларк кўрсаткичлари билан – W, Pb, Sb, Nb, Cd, Mn, Co, Ti; As, Ba, V, Zn, Cu; кларкдан паст кўрсаткичлари билан – Zr, Cr, Ni, B ва кларкдан юқори

кўрсаткичлари билан (қавс ичида концентрация кларк) – Те (150), Вi (77), Au (47), Se (11,3) - Ag (6,1), Мо (3,4) - Sn, Li, Be (2,1-1,7).

Метасоматитлар қатори ўз ичига скарноидлар, биотит-дала шпат-кварцли ва серицит-хлорит-кварц-дала шпатили метасоматитларни, шунингдек метасоматик ўзгарган охактошларни олади. Бу қаторда турли ҳосилаларни пайдо бўлиши тахминан метаморфизмгача бўлган субстратдаги карбонатли, пелитли ва псаммитли компонентларнинг нисбатлари билан боғланади ҳамда жараённинг илк метаморфик босқичидан кечки метасоматозгача бўлган жараёндан мерос қилиб олган.

Скарноидлар минерал таркибнинг катта вариациялари ҳар хиллиги билан ажралиб туради, бу ерда кварц-плагиоклаз-серицитли минерал ассоциация далашпати-карбонат-амфибол таркибли жинсларда етакчи ҳисобланади. Барча ерда турли микдорларда пироксен (геденбергит) иштирок этади, у кварц, хлорит, амфибол ва пирит билан бирга уяча ва тўплам кўришида учрайди.

Биотит-далашпат-кварцли метасоматитлар аниқ намоён бўлмаган йўл-йўликка эга бўлиб, йўл-йўликлар бўйлаб кўмирли моддалар ажратмаси характерлидир. Биотит (шу гуруҳ метасоматитларининг асосий минерали) қатламланиш бўйлаб йирик баргсимон тўпламлар ҳосил қилади ва плагиоклаз, кварц ҳамда кўмирли моддалар билан ассоциацияда бўлади. Биотит бўйлаб тез-тез хлорит ривожланади ва ўзида унинг реликтларини сақлайди.

Серицит-хлорит-кварц-далашпатили метасоматитлар яхлит, кўпинча катаклазлашган. Уларнинг структураси турли донадор – майдадан ўртагача донадорли, асосан лепидогранобластли.

Сарикўл конида таркибида вольфрам бўлган жинсларнинг алоҳида гуруҳини метасоматик ўзгарган охактошлар ташкил қилади, улар нисбатан паст даражада мармарлашганда жинслари массасида тарқалган кўмирсимон-графитли модда ва алюмосиликатли аралашма ҳосил бўлади.

Маъданли жараён карбонат ангидридли ўзига хосликка эга (кальцийнинг келтирилиши уч маротабадан ортик), фосфорнинг тўпланиши ва оз микдорда темирнинг келтирилиши билан кечади. Метасоматитларнинг маъдан олди шаклланиш босқичида маъдан атрофи маконидан натрий, магний ва алюминийнинг чиқиб кетиши кузатилади.

Метасоматитлар учун қуйидагилар хос: маъдан олди маконига муҳим аҳамиятли келтирилиши (қавс ичида тўпланиш коэффициентлари) – W (1970,7); Вi (120,5) ва Cd (37,8); сезиларли келтирилиш – Те (12,3); Be (10,7); Zn (6,2); Cu (5,5); Sn (4,6); мўътадил келтирилиш – Au (3,0); Mn (3,0); Ag (2,5); маъдан олди маконидан чиқарилиши – Pb, Li, Zr (0,6); Ti (0,65); Sb, Ba, Co (0,7); Cr (0,75) ва ўзини бетараф тутиши Мо, As, Se, Nb, V, Ni, В.

Диссертациянинг «**Апогранитли маъданлашувининг шаклланиш шароитлари**» бўлимида Чоқилкалон чуқур марказ структурасининг носкарн вольфрам маъданлашуви шаклланишига таъсири кўриб чиқилган. Бўлимда чуқур марказий структурасининг коллизиян гранитоидлар ва плита ичи магматизми (лампрофирлар ва ишқорли базальтоидлар), шунингдек флюид-

эксплозив брекчияларнинг (магматик колоннанинг фронтал қисми) маконда бир-бири билан устма-уст ётиши ареал эканлиги кўрсатилган (2-расм).



2-расм. Яхтон маъданли майдонида гранитлар, лампрофирлар, ишқорли базальтоидлар ва флюид брекчияларнинг тарқалиш схемаси. 1-гранодиорит-порфирлар; 2-кичик-ўрта донадор, порфирсимон биотит-амфиболли гранодиоритлар; 3-флюид-эксплозивли брекчиялар; 4-камptonитлар; 5-пироксени вогезитлар; 6-спессартитлар: а) масштаб бўйича, б) масштабдан ташқари; 7-керсантитлар: а) масштаб бўйича, б) масштабдан ташқари; 8-диоритоли порфиритлар; 9-бузилган дарзликлар; 10-дайка шаклланишининг шартли ареал тарқалиши.

Брекчияларнинг ҳосил бўлиши, гранитоид интрузияларнинг вужудга келганидан кейин кучли газ отилиб чиқиши билан боғлиқ, яъни чуқурлик магмаларининг юзага яқин шароитга тушиб қолиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, бунда магма иссиқ учувчи компонентлар билан тўйинади.

Флюид-эксплозив брекчиялар интрамагматик структураларни трассировка қилиб постмагматик гидротермал-метасоматик жараёнлар изини белгилаб, чуқур марказий структуралар тузилишининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Чоқикалон чуқур марказий структураси шимоли-ғарбий, меридианал ва шимоли-шарқий йўналишдаги узилмаларнинг кесишиши билан кўринадиган тектоник тугунга боғланган. Унинг ҳосил бўлишида иккита принципиал турли ривожланиш босқичи ажратилади. Биринчи коллизия босқич ( $C_3-P_1$ ) доирасида магма ҳосил бўлиш жараёни қобикнинг юқори қисмида муайянлашган ва автохтон кичик гранитоид интрузиялар шаклланиши билан тугалланади. Шу босқичда яхтон диорит-гранодиоритли комплексида габбро ва диоритдан лейкогранит ва аляскитларгача магматитлар таркибида кетма-кет гомодром эволюцияси рўй беради. Магматизмнинг иккинчи кечки босқичи дайкали, габбро-монзонит-сиенитли Олмалисой лампрофирли комплекси (P-T) ва ишқорли базальтоид Жанубий-Тяньшан комплекслари бирлашмасидан иборат.

Яхтон комплексининг ҳосил бўлиши қуйидаги хронолог кетма-кетликда содир бўлган: майда донадор кучсиз порфирсимон пироксен-амфибол-биотитли ва биотит-амфиболли кварцли диоритлар ва кварцли сиенит-

диоритлар; майда-ўрта донадор порфирсимон биотит-амфиболли (мезократли) гранодиоритлар (етақчи интрузив фаза); майда ва ўрта донадор порфирсимон амфибол-биотитли (лейкократли) гранодиоритлар; биотитли гранитлар; биринчи босқич томирли жинслари: гранитлар, аплитлар, пегматитлар; иккинчи босқич томирли жинслари: диоритли порфиритлар; гранодиорит-порфирлар; гранит-порфирлар.

Илк фазалар таркибида типик диоритдан ташқари юқори ишқорли (монцодиоритлар) турлари учрайди. Асосий фаза таркибининг кучли бир хил бўлмаганлиги, уларда калишпат, кварц ва қора рангли минераллар миқдори жуда ўзгарувчанлиги билан тавсифланади.

Акцессорли ихтисослашув – шеелит-циркон-сфен-апатитли. Комплекс жинсларининг хусусияти бошидан-охиригача минерал акцессорли вольфрамга ихтисослашуви, акцессорли шеелитнинг диоритлар ва кварцли диоритлар қаторидаги миқдори (30 г/т) – асосий фаза гранодиоритлари (55 г/т) – дайкадаги гранодиоритлар (95 г/т) – магматизм кечки фазасининг гранодиорит-порфирлари (105 г/т) миқдори ортиши билан боғлиқ.

Регионал тарқалувчи комплексларнинг магматик ассоциацияси лампрофир-ишқорли базальтоидлар формациясига бириккан, у дискрет (ишқорли-базальт-трахифонолитли, базанитли, лампрофирли ва пироксен-порфирли трахибазальтоидлар) серияларига бўлинган. Ўз навбатида сериялар бир қатор: трахибазальт-диабазли (авгитли трахибазальтлар, авгитли микродиабазлар, слюдали диабазлар), камптонит мончикитли (лембургитлар, амфиболли камптонитлар, мончикитлар, эссексит-диабазлар, шошонитлар, тефритлар ва трахифонолитлар), керсантит-вогезитли (керсантитлар, диоритли порфиритлар, спессартитлар, минетлар, пироксенли вогезитлар) контраст ассоциацияларни ўз ичига олади.

Комплекснинг жинслари магматизмнинг илк босқичлари жинсларига ўхшаб вольфрамга акцессорли ихтисослашган (шеелитнинг ўзгармаган камптонитлардан миқдори – тез учровчи белгилар даражасида) ва қуйидаги Те, Вi, Re, Та, As, Ag, W, Мо, Ni, Au, Se элементлар миқдорининг ошиши кузатилган. Кўрсатилган элементларнинг кўпчилиги (W, Au, Вi, Те, As, Ag) маълум маъдан ҳосил қилувчи бўлиб апогранитли вольфрам маъданларининг типоморф маҳсулдор ассоциацияси таркибига киради.


Учоқсимон структура шаклланишининг турли босқиччилигининг тасдиқланишича, магматик фармациянинг ўзи, континентал қобикнинг ўзгариши билан, ҳосил бўладиган жараёнлар даражаси турлилигини акс эттиради, худди шундай ксенолитларнинг икки гуруҳи ва аралашмалар, коллизион ва плиталар ичи босқичларининг ҳосил бўлишида ҳамроҳ бўлади.

Яхтон конининг қуйи ярусиди вольфрам маъданлашувини қамровчи асосий тоғ жинслари, интрузив фазасининг нотекс-ўртача донадор порфирсимон биотит-амфиболли гранодиоритларидир (3-расм).

Эндоконтакт зонасида гранодиоритлар турли ишқорланган жинслар – граносиенитлар ва монзонит структурали сиенитларга айланган. Карбонатли жинслар билан эндоконтактида гранодиоритлар ёрқинлашган, бу қора минералларнинг тўлиқ хлоритлашган ва сульфидлашган плагиоклазларнинг

соссюритлашган ва калишпатларнинг пелитлашиши натижасидир.

Маъдан атрофи маконининг шаклланиш жараёни иккита кетма-кет босқичда амалга ошган. Биринчи босқичда маъдан қамровчи гранодиоритлар кислотали ишқорланишга учраган, бу ишқорли метасоматоз (иккинчи босқич) билан ўзаро ўрин алмашган.



3-расм. Яхтон кони XXXIII-XXXIII қидирув чизиклари бўйича геологик қирқим. 1-жипслашган тўртламчи давр суглинкалари, шебенли супеслар; 2-девон даври. Куйи бўлим. Дағал қатламли ва массивли, афонитли оҳақтошлар, қанотларида қатламли ва линзасимон кремнийлар; 3-силур даври. Куйи-юқори бўлимлари. Шинг, қутурак, купрук свиталари бирикмаси. Дағал қатламли ва массивли доломитлар, юпқа қатламли доломитли оҳақтошлар ва линзасимон қатламли оҳақтошли сланецлар линзаси, туффитлар, кварцли кумтошлар, туф-дацитли-липорит таркибли гравелитлар; 4-ўрта донадор биотит-шоҳалдамчили гранодиоритлар; 5-гранодиорит порфирлар; 6-керсантитлар; 7-маъдан таналари; 8-бузилган дарзликлар: а) кузатилган; б) кутилаётган; 9-тоғ жинсларининг ётиш элементлари.

Кислотали ишқорланиш жараёнлари натижасида шоҳ алдамчи (роговая обманка) асосан лейкоксенли хлорит билан бутунлай, баъзида цоизит билан; плагиоклаз жадал пелитлашган ва серицит билан; биотит мусковитли хлорит ва лейкоксен билан ўзаро ўрин алмашган. Кислотали ишқорланишнинг яқунловчи босқичида шаклланган нордон кремнийли метасоматитларда магнетит ва сульфидлар (арсенопирит, пирит ва пирротин) ҳосил бўлган.

Ишқорли метасоматоз жараёнида янги ҳосил бўлган жинсларда альбит, кальцит, кечки кварц ва калийли далашпати пайдо бўлади. Натижада, маъданли маконда кремний ишқорли метасоматоз жараёнлари натижасида поликомпонентли (пироксен)-хлорит-карбонат-альбит-кварц таркибли метасоматитлар шаклланади.

Маъдан олди макони шаклланишининг баён қилинган модели ундаги асосий петроген элементларининг тавсифи ва ўзини тутиш динамикаси билан тўлиқ мос келади. Маъдан олди метасоматози жараёнида Na, Al, P нинг чиқиб кетиши, K, Ca, Si ни кириб келиши, Mg ва Fe нинг ўзини тутиш динамикасида турғун тренд шаклланади. Вольфрам маъданли таналари бўлган минераллашган зоналарда Na ва P нинг чиқиб кетиш тенденцияси кучаяди, Al чиқиб кетиш тенденцияси сақланиб қолади ва Ca, Si, Mg, Fe нинг кириб келиши кузатилади.

Диссертациянинг учинчи «**Носкарнли вольфрам маъданлашувининг минералогик–геокимёвий хусусиятлари**» бобида носкарнли вольфрам маъданлашувининг (апометатерриген ва апогранитоид турлари бўйича) минералогик ва геокимёвий хусусиятлари бўйича маълумотлар келтирилган.

**Апометатерриген** вольфрам маъданлашуви учун маъданли минераллашув хусусиятлари: минераллашган зоналарда темир сульфидларининг кўплиги, шеелитнинг турли минерал парагенезисларда пайдо бўлиши, маъданларда оз миқдорда ва микроаралашма кўринишида учровчи иккита ассоциациядаги гуруҳ минералларининг борлигидир.

Темир сульфидлари кенг минераллар гуруҳидан иборат бўлиб, маъдан ичидаги жараёнлар натижасида бирламчи пирротиндан бошлаб пиритгача бўлган занжирни ҳосил қилади ҳамда оралиқ маҳсулот мельниковит ва марказит кўринишида намоён бўлади.

